

2018

## THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS

Abduvali Isadjanov

*International Islamic Academy of Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

---

### Recommended Citation

Isadjanov, Abduvali (2018) "THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2018/iss1/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ  
МАҚСАДЛАРИ: УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ  
ВАЗИФАЛАРИ**

**ЦЕЛИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ:  
ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И  
АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ**

**THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT  
GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND  
ACTUAL TASKS**

**Калит сўзлар:** экологик омиллар, эко-инновациялар, барқарор ривожланиш.

**Ключевые слова:** экологические факторы, эко-инновации, устойчивое развитие.

**Key words:** ecological factors, eco-innovations, sustainable development.

Глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган ўзгаришлар чуқур тавсифга эга бўлиб, жамият ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчамларини мувофиқлаштириш, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги моделини яратиш билан боғлиқ тадқиқотлар кенг амалга оширилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида глобал иқлим ўзгаришлари, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилган [1].

Шу ўринда дунёда содир бўлаётган ва тобора ривожланиб бораётган табиий жараёнлар экологик таҳдидлар билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг тезлиги экотизимларга мослашиш тезлиги ва инсон ҳаракатлари суръатидан анча юқоридир. Буларнинг бари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделига маълум даражада ўзгартиришлар киритиш заруратига олиб келмоқда ва экологик вазиятни ҳисобга олмасдан иложи йўқ деб ҳисобланмоқда. Агар доимгидек ресурсларни кенг жалб қилиш эвазига иқтисодий ўсиш таъминланса ва бизнес фаолият олиб борилса, 2050 йилга бориб углерод икки оксиди ва эквивалентларининг миқдори атмосферада 65 гигатонна-

Мақолада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг экологик сиёсати барқарор ривожланиш мақсадлари, устувор йўналишлари ва долзарб масалалари кўриб чиқилган.

Катта эътибор жаҳон ва миллий иқтисодиётда борган сари кескинлашиб бораётган экологик муаммоларнинг таҳлилига, Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини такомиллаштириш йўллари асослаб беришга қаратилган.

В работе рассматриваются цели устойчивого развития, приоритетные направления и актуальные задачи экологической политики Узбекистана в условиях глобализации мировой экономики. Значительное внимание уделено анализу причин и факторов обострения экологических проблем в мировой и национальной экономике Узбекистана, обоснованию совершенствования экологической политики Узбекистана.

This article is dedicated to the sustainable development goals, priority directions and actual tasks of the ecological policy of Uzbekistan in the conditions of globalization of world economy.

The main attention was paid to the analysis of reasons and factors of escalation of ecologic problems in the world and national economy, reasoning of improvement of ecological policy of Uzbekistan.

га этиши башорат қилинган. Лекин зарур чора-тадбирлар амалга оширилса, карбонад ангидриднинг атмосферадаги ҳажми камаяди ва ўртача ҳарорат 2050 йилга бориб 2°С дан ортмайди. Акси бўлса, ўртача ҳарорат 5°С га ортиб кетади [2].

Ер юзида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби умумбашарий вазифалар тобора муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг ҳал этилиши халқаро, минтақавий ва миллий даражада тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш борасида авваламбор мавжуд бўлаётган ва борган сари кескин тус олаётган экологик жараёнларни эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга, жаҳон ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмининг тез ўсиши атроф-муҳитнинг инсон фаолияти натижалари билан курашиш имкониятини 25-30 фоизга қисқартирди. Экотизимнинг 60 фоизи инсонлар томонидан хаддан ташқари кенг фойдаланилмоқда [3].

Охириги йилларда табиатга хўжаликнинг таъсири жуда катта бўлиб, табиат ўзини ўзи тиклаш қобилиятини йўқота бошлади. 2017 йилда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий форумида (Давос, Швейцария) экспертларининг фикрларига кўра (The Global Risks Report 2017), яқин ўн йил давомида асосий глобал қалтисликлар (рисклар) қаторига иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги, ижтимоий та-

бақалашув, экологик таҳдидлар, рақамли технологияларга боғлиқлик даражасининг ошиб бориши ва аҳолининг тез суръатларда қаришини киритиш мумкин [4].

Иқтисодиётнинг барқарорлиги, салбий ўзгаришларга қарши туриши ҳамда уларнинг таъсиридан сўнг тикланиши, ресурслардан (хусусан, энергетик ва сув ресурсларидан) фойдаланиш самардорлигини ошириш вазифалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Айтиш керакки, иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳит деградацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳозирги даврда иқтисодиёт соҳасида энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланган. Илмий ва жамоат музокараларида тобора иқтисодий фаровонликнинг ўсиши атроф-муҳит деградацияси ҳисобига рўй бериши ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Бироқ, сўнгги вақтда барқарор ривожланиш соҳасидаги тадқиқотчилар даромадлар ўсиши узоқ истиқболда атроф-муҳитга юк ўсишига олиб келиши муқаррар эмаслигини исботлашди [5].

Экологик ҳолатни мамлакатнинг ривожланиш даражасига тегишли боғлиқлиги эконометрик тасдиғини ҳам топмоқда: ушбу жараён Кузнец экологик эгри чизиги сифатида маълум (Environmental Kuznets curve) [6].

Мазкур йўналишни тавсифлайдиган ушбу назариянинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиёт ўсгани сари ишлаб чиқариш тузилмаси аввал аграр ишлаб чиқаришдан индустриал ишлаб чиқариш томонга бурилади, бунда ифлосланиш ҳажми катта бўлади, кейин эса, ишлаб чиқаришнинг постиндустриал ахборот турига ўтиб, ифлосланиш даражаси пасаяди.

Антропоген-техноген омилларнинг кучайиб бориши янги тенденцияни кашф этмоқда: барча иқтисодий субъектлар экологик таҳдидларни бартараф этиш учун сарфланаётган харажатларни эътиборга олишлари зарур бўлмоқда. Борган сари жаҳонда иқтисодий ўсиш билан биргаликда экологик харажатлар ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида атроф-муҳит муаммолари билан боғлиқ бўлган харажатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг камида 4-6 фоизини ташкил қилмоқда [7].

“The Economist” журналининг экспертлари «Мега-ўзгаришлар: 2050 йилда Жаҳон» (Mega change: The World in 2050) изланишида ҳаётнинг турли соҳалари – соғлиқни сақлашдан иқтисодиёт ва экология каби соҳаларда жаҳонга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган асосий тенденцияларни аниқлаб, тадқиқ этдилар. Улар мазкур тенденцияларга батафсил таъриф бериб, кўп сонли далиллар билан келажакдаги ўзгаришларни асослашди [8].

Forbs (Форбс) журнали прогнозига кўра иқлим ўзгаришлари, янги қишлоқ хўжалик технологиялари ва аҳоли ўсиши айна дамда ўз таъсирини кўрсата бошлади [9]. Яқин келажакда, Яман ичимлик суви захирасидан маҳрум бўлган дунёдаги биринчи мамлакатга айланиши мумкин. Сув танқислиги ва иқлим ўзгаришлари глобал миграцион жараёнларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин деган башоратлар баён қилинган.

Ривожланишнинг янги моделини излаш барқарор ривожланиш парадигмаси эволюциясига, “яшил” (экологик) иқтисодиёт юзага келишига сабабчи бўлди. Иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳит деградацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳозирги даврда иқтисодиёт соҳасида энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бири ҳисобланади. Илмий ва жамоат музокараларида кўпинча иқтисодий фаровонлик ўсиши атроф-муҳит деградацияси ҳисобига рўй бериши ҳақида фикр билдирилади.

Бироқ, сўнгги вақтда барқарор ривожланиш соҳасидаги тадқиқотчилар даромадлар ўсиши узоқ истиқболда атроф-муҳитга юк ўсишига олиб келиши муқаррар эмаслигини исботлашди. Экологик ҳолатни мамлакатнинг ривожланиш даражасига тегишли боғлиқлиги (унинг графиги қўнғироқсимон шаклга эга) эконометрик тасдиғини топмоқда: ушбу график Кузнец экологик эгри чизиги сифатида маълум (*environmental Kuznets curve*).

Атроф-муҳит деградацияси иқтисодий ўсишга чизиқли бўлмаган боғлиқлигига бағишланган кўп сонли ишлар бунинг исботи бўлиб хизмат қилади. Ушбу боғлиқлик Кузнец экологик эгри чизиги назарияси доирасида ўрганилади (бундан кейин – КЭЭЧ). 1991 йилда Grossman ва Krueger биринчи бор атроф-муҳит ифлосланиши ва иқтисодий ўсиш ўртасида ўзаро боғлиқликни таърифловчи ағдарилган U-симон эгри чизиқни таклиф қилди. Мазкур чизиқ кейинчалик Кузнец экологик эгри чизиги деб номланди [10].

КЭЭЧ концепцияси асосида иқтисодий ўсиш рўй бергани сари индустриал ривожланишнинг дастлабки босқичларида атроф-муҳит деградацияси рўй беради, сўнг маълум бир нуқтадан бошлаб, бундан кейинги иқтисодий ўсиш атроф-муҳит ҳолати яхшиланишига олиб келади, деган тасаввур ётади. С.Михалищев ва Ю.Раскинанинг тадқиқотларида КЭЭ мавжудлигини тушунтиришга ҳаракат қиладиган бир нечта йўналиш очиб берилган [11]. Улардан бири миқёс самараси, тузилмавий самара ва технологик самара каби механизмларнинг таълидидан иборат.

Мазкур йўналишни тушунтирадиган ушбу назариянинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиёт

ўсгани сари ишлаб чиқариш тузилмаси аввал аграр ишлаб чиқаришдан индустриал ишлаб чиқариш томонга бурилади, бунда ифлосланиш ҳажми катта бўлади, кейин эса ишлаб чиқаришнинг постиндустриал ахборот турига ўтиб, ифлосланиш даражаси пасаяди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини оширадиган технологиялар ривожланиб, бу ҳам атроф-муҳитга юкнинг камайишига олиб келади. Юқори технологияли ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг ҳажмини қисқартирмасдан туриб, ифлослантирувчи моддалар чиқиндисини қисқартириш учун имкон беради. Мазкур тушунтириш Panayotou асарида учрайди (1993) [12].

КЭЭЧ назариясининг бошқача таърифи соф атроф-муҳитга талабнинг ўзгаришидан иборат. Бунда Lopez (1994) [13], Baldwin (1995) [14] ва Beckerman (1992) [15] таъкидлашича, соф атроф-муҳитга даромад бўйича талаб эластиклигининг роли КЭЭ мавжудлигини тушунтиришда асосий роль ўйнайди.

Shibayama ва Fraser (2014) [16] мазкур фикрни тасдиқловчи иқтисодий ўсишнинг бир неча моделларини таклиф қилди. Мазкур ёндашувнинг бош ғояси шундан иборатки, даромад ўсгани сари аҳолининг атроф-муҳит юқори сифатини қўллаб-қувватлашга талаби ўсади.

Экологик инновацияларни жорий қилиш асосида экологик мўлжал олган ўсиш муаммолари ҳозирда кенг муҳокама этилаётган масалалардан бири ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида экологик хавфсизлик, энергия самарадорлиги ва ресурс тежамкорлигининг юқори даражаси, шунингдек тегишли инновацион талабни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар алоҳида долзарбликка эга [17].

Муаммонинг ушбу жиҳати экологик муаммоларга нисбатан аҳамиятини қатор халқаро рейтинглар маълумотлари ҳам тасдиқлайди, жумладан улардан энг нуфузлларидан бири – Соф технологиялар глобал индекси (*The Global Cleantech Innovation Index*). Мазкур индексни шакллантиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида инновациялар билан шуғулланувчи компаниялар қайси мамлакатларда энг фаол ҳаракат қилиши ва уларнинг маҳсулоти қандай қилиб бозорда ўз ўрнини топиши масаласини тадқиқ қилади.

Мазкур муаммога Яков Шмуклер (Jacob Schmookler) биринчилардан эътиборни қаратди. Статистик маълумотлар асосида у берилган патентлар сони ва янги технологияларга инвестициялар

ҳажмини солиштирди (Schmookler J., 1962) [18]. Ўтказилган тадқиқот асосида Шмуклер инновациялар деярли истисноларсиз иқтисодий талаб билан бошқарилади, деган хулосага келди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) тавсиялари [19] турли хил инструментлардан фойдаланган ҳолда инновацияларга талабни қўллаб-қувватлаш бўйича ушбу тақлифларни умумлаштирди. Мазкур нашрда “инновацион парадокс”нинг (“innovation paradox”) муҳокамаси муносабати билан инновацион талабнинг ролига эътибор қаратилди. Умуман, қатор ИХРТ мамлакатларида инновацияларнинг натижадорлигига қаратилган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, амалда инновационлиликнинг паст даражаси кузатилди.

Экологик инновациялар соҳасидаги сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан иссиқхона газларини чиқариш таъсирида иқлим ўзгариши, жуда катта ҳажмда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари юзага келиши билан боғлиқ *экологик ташиқи самаралар (экстерналийлар)* мавжудлиги билан белгиланади.

OECD “Science, Technology and Industry Outlook. 2014” тўпламида таъкидланишича, бозор экологик экстернал самараларнинг (масалан, иссиқхона газлари чиқиндисини) пулли баҳосини тўғридан-тўғри ўтказмаганлиги боис, технологияларни такомиллаштириш орқали уларни қисқартириш учун рағбатлар ниҳоятда чекланган [20].

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун экологик сиёсий инструментлари тўплами (environmental policy mix) тақлиф қилинмоқда, буларга қуйидагилар киради:

- экологик омилларга кўра тўғрилланган нархлар;
- экологик стандартлар ва углеводород хомашёсига солиқлар;
- салбий экологик таъсир учун тўловлар;
- иссиқхона газлари чиқиндисини учун рухсатномалар савдоси;
- экологик хавфли ишлаб чиқариш объектларини суғурта қилиш ва бошқ.

Умуман, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида Европа Иттифоқининг (ЕИ) экологик сиёсати унинг ҳар хил минтақаларида вазият ҳар хиллигини ҳисобга олиб, муҳофазанинг юқори даражасига эришишга қаратилган деб тавсифланади [21].

Кўриниб турибдики, экология ва барқарор ривожланиш муаммоси – бу инсон фаолиятининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини тўхтатиш муаммосидир. Барқарор ривожланиш назарияси охириги йилларда энг оммалашган назарияга айланди.

“Барқарор ривожланиш” (sustainable development) тушунчаси тарихан экологияга боғлиқ. “Барқарор ривожланиш”нинг илк таърифларидан бири 1915 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Канада комиссияси томонидан тақлиф этилган: “Ҳар бир авлод табиий капиталнинг маълум фоизидан фойдаланишга ҳақлидир, бироқ ушбу капиталнинг асосий қисми кейинги авлодга бутун берилиши шарт” [22].

Кўп ҳолларда, “Барқарор ривожланиш” тизимининг ўзаро боғланган элементлари: иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳит ўртасида мувозанатни қўллаб-қувватлашни кўзда тутди.

“Барқарор ривожланиш” (“sustainable development”) атамасининг аксарият талқинлари Г.Х. Брундтланд Комиссияси томонидан берилган таърифга асосланиб, уни ҳақли равишда классик атама дейиш мумкин.

Бунда иқтисодиётнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш инсоннинг атроф-муҳит (биосфера) билан ўзаро ҳаракатда ривожланиши билан қай даражада келишилганлигига боғлиқ.

Макро-мезо- ва микро даражада ижтимоий-экологик-иқтисодий тизимлар барқарор ривожланишига ўтиш – умуман, иқтисодиёт, соҳа, корхона даражасида – янги ҳуқуқий нормалар, янги бошқарув тизимини талаб этади.

Маълумки, 1980-йилларга келиб экологик муаммолар кўп ҳолларда минтақавий муаммоларга айланган бўлса, 1990-йилларда келиб экологик муаммолар глобал даражага чиқди ва бу қуйидаги салбий тенденцияларда намоён бўлмоқда:

- дунёда тикланадиган деб ҳисобланган ресурслар (тропик ўрмонлар, балиқ ресурслари ва бошқ.) ўзини тиклашга улгурмаяпти;
- жаҳон экотизими бузилиши рўй бермоқда, тобора кўп флора ва фауна вакиллари бутунлай йўқ бўлмоқда, натижада табиатдаги экологик мувозанат бузилмоқда;
- иқлимнинг эҳтимоли ўзгариши энг мураккаб ва энг хавфли муаммога айланмоқда. У ўртача ҳарорат ўсишида ифодаланиб, натижада экстремал табиий-иқлим ҳодисалари: қурғоқчиликлар, тошқинлар, қуюнлар, кескин эрувгарчилик ва аёзлар қайтарилиши ва интенсивлиги ўсишига олиб келмоқда ва булар табиат, инсон ҳамда мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли даражада иқтисодий зарар етказмоқда.

Барқарор ривожланиш тизими учта яқиндан ўзаро боғланган элементлари: иқтисодий, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳит – мураккаб ижтимоий-экологик-иқтисодий тизим ўртасида мувозанат таъмин-

ланиши кўзда тутилган. Унда нафақат ҳозирги авлодлар эҳтиёжларини ҳисобга олган, балки келгуси авлодларни ушбу имкониятдан маҳрум қилмаган ҳолда жаҳоннинг барча мамлакатлари ривожланиши кўзда тутилган.

Инсониятнинг барқарор ривожланиши ғоялари 1960–1970-йилларда устунлик қила бошлади ҳамда қатор экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар замонавий ва келгуси авлодлар ҳаётига таҳдид сола бошлади.

Барқарор ривожланиш концепцияси 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТ Конференциясида маъқулланган. Унда сайёра ифлосланиши, ресурслар қисқариши муаммосини ҳал қилиш, бир сўз билан айтганда, келгуси авлодлар учун сайёранинг экологик салоҳиятини тиклаш кўзда тутилган.

Экологик ҳалокатлар сабаби сифатида мутахассислар жаҳоннинг етакчи мамлакатлари тезкор иқтисодий ривожланиши, шунингдек, Ер аҳолисининг аҳамиятли миқдорда ўсишини эътироф этдилар.

Натижада жаҳон иқтисодиётининг зиддиятга дуч келади: барқарор ривожланишни қандай қўллаб-қувватлаш керак ва бир вақтнинг ўзида хўжалик юритиш фаолиятининг экологияга салбий таъсирини камайтириш мумкин?

Шу сабабли жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида сайёранинг экологик ресурсларини сақлаб қолишга қаратилган технологиялар, яъни атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни қатъий амалга ошириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди.

1962 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Иқтисодий ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш” резолюцияси қабул қилинди, яна 10 йилдан сўнг, 1972 йилда 113 та мамлакат вакиллари атроф-муҳит бўйича Стокгольм конференцияси – атроф-муҳит бўйича биринчи жаҳон учрашувида йиғилдилар. 1983 йилда БМТ Бош қотиби ташаббусига кўра Норвегия бош вазири Гру Харлем Брундтланд бошчилигида Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссия (АМРХК) ташкил этилди.

Халқаро комиссиянинг “Бизнинг умумий келажгимиз” номи ҳисоботида инсоният ўзининг иқтисодий фаолиятида кўп нарсаларни ўзгартириши кераклиги, чунки акс ҳолда уни жуда оғир синовлар ва атроф-муҳит кескин ёмонлашуви кутаётганлиги ҳақида огоҳлантириш эълон қилинди. Комиссия иқтисодиёт ўсиши сайёранинг экологик имкониятлари чегарасидан четга чиқмаслиги керак, деб таъкидлади.

Шуни инобатга олган ҳолда 1987 йилда БМТнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича комис-

сияси техноген ўсишнинг альтернативи сифатида “барқарор ривожланиш” концепциясини ишлаб чиқди. Унинг бош ғояси – атроф-муҳитга зарарсиз бўлган иқтисодий ўсишни таъминлашдир.

Барқарор ривожланиш ҳақидаги тасаввурлар 1995 йилда Копенгагенда ўтказилган олий даражали Бутунжаҳон учрашувида янада чуқур тусга эга бўлди. Унда Ижтимоий ривожланиш манфаатида ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда барқарор ривожланиш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди:

- жамиятнинг фаолият юритиши ва фаровонлигини белгилайдиган қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фуқаролик жамиятининг кенг иштирок этиши;

- барқарор иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишнинг кенг миқёсли моделлари ҳамда демографик жиҳатининг иқтисодий стратегиялар ва ривожланиш стратегияларига интеграцияси натижасида барқарор ривожланиш ва қашшоқликни йўқ қилиш суръатларини тезлаштиради ҳамда демографик мақсадларга эришиш ва аҳолининг турмуш даражаси ошишига кўмаклашади;

- ўсиш билан боғлиқ манфаатларни турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида адолатли ва камситишларсиз тақсимлаш ҳамда қашшоқликда яшаётган инсонлар озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш;

- инсонлар барқарор ривожланишига мўлжал олган контекстда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш.

Йоханнесбургда ўтказилган барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммити (2002 г.) қабул қилган қарорига мувофиқ, 2005 йил декабридан жаҳон ҳамжамиятининг барқарор ривожланишга ўтиши бошланган.

Бунда ижтимоий-экологик жараёнларнинг янги бошқариш механизмларини пухта ишлаб чиқиш зарурлиги эътироф этилди.

Янги ривожланиш моделини излаш барқарор ривожланиш парадигмасининг эволюциясини, “яшил” (экологик) иқтисодиёт концепцияси пайдо бўлиши ҳамда иқтисодиёт ва жамият табиий тизимлар ва уларнинг чегараларига мослашиши кераклигини бундан кўра чуқур тушунишга олиб келди.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистонда экологик муаммоларга катта эътибор қаратила бошланди. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари

тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш масалаларини акс эттирган.

Экология соҳасида Ўзбекистонда ҳал этилиши лозим бўлган давлат дастурларида атроф-муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаш ва табиий захира-ларни асраб-авайлаш жараёнини кучайтириш; мамлакатимиздаги экологик муаммоларни ҳал этишда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланиши-ни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳитнинг сифатли ҳолати кафолатланган даражасига эришиш, табиий ресурслардан оқи-лона фойдаланишни таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий усуллари-ни такомиллаштириш ва жорий қилиш, экология устуворликларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, жумладан, экоинновацияларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан мамлакатнинг барқарор ривожланишига эришишга кўмаклашувчи шароит-ларни яратиш долзарб масалалардан бўлиб келмоқда.

2015 йил сентябрида жаҳон етакчилари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлиги остида қабул қилинган 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш соҳасида кун тартиби кучга кирди. Янги кун тартиби – бу мамлакатларни барқарор ривожланишнинг 17 мақсадига эришиш устидан ишни бошлашга чақиривдир.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш борасида, Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланишнинг учта соҳалари (иқтисодий, экологик ва ижтимоий) бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди [23].

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ ва 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Қарорда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланди [24].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорида экологик ҳолатни яхшилаш доирасида

экологик таҳдидлар ва уларнинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш ва амалга ошириш назарда тутилган:

– арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш борасида 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинadиган энергия улушини жиддий равишда кўпайтириш; энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки баравар ошириш; замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш вазифалари белгиланган (7-мақсад);

– иқлим ўзгаришига акс таъсир чораларини миллий даражада сиёсатга, стратегияга ва режалаштиришга киритиш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ҳодисаларининг таваккалчилигидан эрта огоҳлантириш бўйича хабардорлигини ҳамда имкониятларини яхшилаш (13-мақсад);

– қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилona фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилona фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш.

Мазкур шароитда устуворликларни ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш концепцияси шароитида Ўзбекистонни инновацион, экологик мўлжал олган ривожланиш моделининг шакллари ва механизмларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш қуйидагиларни амалга оширишга асосланади: табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан умуман экологик тизимларни муҳофаза қилишга ўтиш; инсон яшайдиган муҳитнинг оптимал параметрларини кафолатлаш; иқтисодиёт соҳаларини “яшил иқтисодиёт” принциплари бўйича ривожлантириш механизмлари билан ўзаро алоқаларни уйғунлаштириш.

БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури доирасида, жумладан барқарор ва кенг қамровли иқтисодий ўсиш, тўлиқ ишлаб чиқариш бандлиги ва барча учун муносиб иш билан бандликка (8-мақсад) кўмаклашиш ҳамда эгилувчан инфратузилмани яратиш, кенг қамровли ва барқарор индустриаллаштириш ҳамда инновацияларни рағбатлантириш (9-мақсад) қайд қилинган.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва тузилмавий қайта қуриш бўйича вазифаларни амалга ошириш, атроф-муҳитнинг қулай ҳолатини янада яхшилаш ҳамда табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш, иқтисодиёт соҳаларига барқарор ривожланишнинг экологик асосларини

жорий этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш катта аҳамият касб этади:

- аҳоли ва иқтисодиёт учун кафолатланган ва муносиб яшаш муҳити ҳамда талаб даражасида таъминланган экологик хавфсизлик тизимини яратиш;

- экология соҳасида инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш асосида технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш;

- атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижасида чиқиндилар билан ифлосланиши олдини олиш;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида қонунчилик ҳамда норматив-услубий базани ҳамда барқарор ривожланиш мақсадида экологик таълимни ривожлантириш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “кўк” инвестицияларни жалб қилиш ва экологик ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукаммаллаштириш;

- ривожланиш соҳасида режалаштирилаётган тижорат ва бошқа турдаги лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (экологик экспертиза) тизимини такомиллаштириш;

- атроф-муҳит ифлосланишининг ҳисобот ўлчамлари тизимини мукаммаллаштириш;

- табиий бойликлардан фойдаланишни рационаллаштириш билан бирга экологик назорат ва мониторингнинг турғун тизимини яратиш;

- экологик солиқларни такомиллаштириш ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан харид қилиш ва “яшил” инвестицияларни амалга ошириш воситасида “яшил” (экологик тоза) технологияларни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;

- энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- атроф-муҳит сифатини тиклаш ёки сақлашга ёрдам берадиган янги иш ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий соҳаларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашни таъминлаш.

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ҳақиқатда гап атроф-муҳит ва табиат кенг қамровли иқтисодиёт учун ресурс ҳисобланган ривожланиш концепциясидан экотизимли ривожланиш концепциясига ўтиш ҳақида бормоқда.

Натижада, барқарор, “яшил инновацион иқтисодиёт” моделига ўтиш, экологик инновацияларни жорий қилиш экологик мўлжал олган иқтисодий ўсишни амалга ошириш учун имкон беради.

Бу борада эко-инновацион моделни амалга оширишга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган омилларни ўрганиш ва тадбиқ қилиш катта аҳамиятга эга. Масалан, янги билимлар турткисини амалга ошириш (“knowledge-push”) ва ихтиролар ўсиши, инновацияларни талаб томонидан рағбатлантириш («demand-pull») тизимлари диққатга сазовордир. Шу билан биргаликда, давлат томонидан янги инновацион технологиялар ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун керакли шароит яратган ҳолда, эко-инновацияларга талабни рағбатлантириш механизмига эътибор қаратиш лозим.

Экологик хавфсизликни таъминлаш билан биргаликда экологик қалтисликлар (рисıklar) юқори бўлган жабҳаларда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлаш, экотизим мониторинги ва экологик жараёнлар прогнози самарадорлигини ошириш муҳим омиллар сифатида эътироф этилади [25].

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 7 февраль 2017 йил ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. The World bank. “Development for climate change”. Washington. Annual Report 2010. P.15.

3. Исаджанов А.А., Дадабоев У. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг экологик жиҳатлари. //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот бюллетени. 2012 йил, 3-сон. 55-58 бет.

4. Global Risk Report. World Economic Forum. 2017. // <http://www.cnbc.com/2017/01/11/top-five-global-risks-for-2017-wef.html>

5. Grossman, G. M., Krueger, A. B. Environmental impact of a North American Free Trade Agreement // NBER Working paper, 3914. 1991.; Lopez, R. The environment as a factor of production: The effects of economic growth and trade liberalization // Journal of Environmental Economics and Management. 1994. Vol. 27. P. 163–184.; Panayotou, T. Empirical tests and policy analysis of environmental degradation at different stages of economic development // Geneva,



- Switzerland: International Labour Office, Working Paper, WP238. 1993.
6. Михалищев С., Раскина Ю. Экологическая кривая Кузнеця: случай России. [https://eu.spb.ru/images/ec\\_dep/wp/Ес-03\\_15.pdf](https://eu.spb.ru/images/ec_dep/wp/Ес-03_15.pdf)
7. Пискулова Н.А. Развитие мировой экономики: экологический вектор. //Мировая экономика и международные отношения. М.: 2010. № 12.С. 28-37.
8. Франклин Д., Эндриус. Дж. Мир в 2050 году. 2012.
9. <http://www.forbes.ru/sobytiya-opinion/vlast/210443-mir-v-2050-godu-novye-voennye-konflikty>
10. Grossman, G. M., Krueger, A. B. Environmental impact of a North American Free Trade Agreement // NBER Working paper, 3914. 1991.
11. Михалищев С., Раскина Ю. Экологическая кривая Кузнеця: случай России. [https://eu.spb.ru/images/ec\\_dep/wp/Ес-03\\_15.pdf](https://eu.spb.ru/images/ec_dep/wp/Ес-03_15.pdf)
12. Panayotou, T. Empirical tests and policy analysis of environmental degradation at different stages of economic development // Geneva, Switzerland: International Labour Office, Working Paper, WP238. 1993.
13. Lopez, R. The environment as a factor of production: The effects of economic growth and trade liberalization // Journal of Environmental Economics and Management. 1994. Vol. 27. P. 163–184.
14. Baldwin, R. Does sustainability require growth? // In: Goldin, I., Winters, L.A. (Eds.), The Economics of Sustainable Development. Cambridge Univ. Press, Cambridge, UK. 1995. P. 19-47.
15. Beckerman, W. Economic growth and the environment: whose growth? Whose environment? // World Development. 1992. Vol. 20. P. 481-496.
16. Shibayama, K., Fraser, I. Nonhomothetic growth models for the environmental Kuznets curve // International Economic Review. 2014. Vol. 55, No. 3. P. 919-942.
17. Пахомова Н.В., Рихтер К.К., Малышков Г.Б. Инклюзивный устойчивый рост: приоритеты, индикаторы, международный опыт, потенциал согласования с моделью реиндустриализации // Проблемы современной экономики. –2014. – № 3 (51). – С.15–24.
18. Schmookler J. Economic Sources of Inventive Activity // Journal of Economic History. – 1962. XXII (I). P. 1-20.
19. OECD «Science, Technology and Industry Outlook. 2012» . STI OECD, 2012. P. 170.
20. OECD «Science, Technology and Industry Outlook. 2014» P.142.
21. Экологическая политика Европейского союза: принципы и основные направления. [http://www.redov.ru/shpargalki/shpargalka\\_po\\_yekologicheskomu\\_pravu/p90.php](http://www.redov.ru/shpargalki/shpargalka_po_yekologicheskomu_pravu/p90.php)
22. Иванов В.А. Методологические основы устойчивого развития региональных социо-эколого-экономических систем. <http://koet.syktsu.ru/vestnik/2011/2011-2/3/3.htm>
23. Узбекистан поддерживает цели устойчивого развития ООН до 2030 года. <http://www.trend.az/casia/uzbekistan/2438516.html>.
24. “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. // <http://lex.uz/docs/4013356>
25. Isadjanov A. Central Asia: Ecological Threats and Priorities of the Regional Cooperation. “Environmental Security and Eco-terrorism”, NATO Science for Peace and Security, NATO Advanced Research Workshop. Moscow, April 27-29, 2010.

**Abduvali ISADJANOV,**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Ислом иқтисодиёти ва молияси,  
зиёрат туризми кафедраси профессори  
иқтисод фанлари доктори*

